

**АСОТИР** — миф, кадимги кишиларнинг коинот ва табиат ходисаларининг пайдо бўлиши, мохияти хақидаги тушунчалари асосида яратилган хаёлий асарлар. Илк асотирлар кеча ва кундуз, йил фаслларининг алмашиши, zilзила, сел ва бўронлар, сув тошқинлари ва кургокчилик каби табиий ходисалар хақида кадимги аجدодларимиз тасаввурини ифодалаган. Асотирлар бир неча турларга бўлинади. Булар:

1) этиологик асотирлар — табиат ходисалари, табиатда у ёки бу нарсанинг пайдо бўлиши хақидаги асотирлар;

2) космогоник асотирлар — дунёнинг пайдо бўлиши, коинот жисмлари хақидаги асарлар;

3) этнографик асотирлар — бирор халк, қабила ёки уругнинг келиб чиқиши тўғрисида асотирлар;

4) антропогоник асотирлар — инсониятнинг пайдо бўлиши хусусидаги асотирлар;

5) эсхатологик асотирлар — инсоният, умуман тамаддун келажаги хақидаги асотирлар ва хоказо. Асотирлар ўз тараккиёти босқичларида анимизм, тотемизм, манизм каби илохий карашлар ва ибтидоий кишиларнинг турли культларига хос гоёлари билан озикланган. Шунинг учун ҳам асотирлар жуда мураккаб табиатга ва зиддиятларга эгадир.